

**№ 8 (3) - 2023**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 8 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

<i>Воҳидова Комила Абдуллозизовна</i>	
“ЭЛ БАЙРОФИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА .....	11-17
<i>Сулайманов Саламат Арапбаевич</i>	
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ) .....	18-24
<i>Raupov Холмамат</i>	
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ .....	25-32
<i>Мажидов Анвар Сиражович</i>	
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) .....	33-40
<i>Begamatova Nasiba Xolmurzayevna</i>	
FERMER XO'JALIKLARI VA KLASTER TIZIMI UCHUN O'RTA MA'LUMOTLI MUTAXASSISLARNI TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI MISOLIDA) .....	41-48
<i>Алланазаров Мурот Мирзаевич</i>	
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА .....	49-54
<i>Ismoilova Feruza Ibragimovna</i>	
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI XIZMATLARI .....	55-59
<i>Tursunov Xurshid Nasriddinovich</i>	
O'ZBEKİSTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI .....	60-64

### **08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

<i>Yuldasheva Gulnoza Abdinabiyevna</i>	
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF ENTERPRISES .....	65-70
<i>Oromidinov Muzaffar Pardabayevich</i>	
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS .....	71-75
<i>Худайназарова Дилором Хайруллаевна</i>	
ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	76-84

<i>To'lakov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li</i>	
КО'ЧХМАС МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДА ХОРИЙИ ДАВЛАТЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОХОТЛАР .....	85-92
<i>Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich</i>	
МИНТАҚАДА ХИЗМАТ ТУРЛАРИДАН САМАРАЛИ РИВОЈЛАНТИРИШ ЙО'НАЛИШЛАРИ .....	93-98
<i>Turobov Sherzod Alisherovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI .....	99-105
<i>Шамсиев Нодир Муратович</i>	
МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ .....	106-110
<i>Zaripova Moxira Zarip qizi</i>	
AGRAR SOHAGA XORIJIIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI .....	111-114
<i>Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ .....	115-121
<i>Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI .....	122-127
<i>Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи</i>	
МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	128-137
<i>Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Гаффор Аллақулович</i>	
ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ .....	138-150
<i>Мамадиёрөв Олимжон Умаровиҷ</i>	
ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ .....	151-158
<i>Раббимов Жаҳонгир Эшбоевиҷ</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ .....	159-164
<i>Кулибоев Азамат Шоназаровиҷ</i>	
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ .....	165-174

<i>Гадоев Сўҳроб Жумакулович</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ .....	175-181
<i>Бекжанов Дилмурад Йўлдашович</i>	
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ .....	182-193
<b>09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Boydadayev Abdurroxmon Tolibjon o'g'li</i>	
SHARQ VA G'ARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA) .....	194-200
<i>Xayridinov Abbosxon Anvarovich</i>	
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA'NAVIY MA'RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLİSHDA MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI .....	201-205
<i>Quramboyev Alisher Maxsudovich</i>	
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOIY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI .....	206-211
<i>Jo'rayev Alisher Tulqinboyevich</i>	
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR MAQSADI .....	212-217
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i>	
ILMIY BAHS FENOMENINING MANTIQIY- GNOSEOLOGIK MAQOMINI O'RGANISHDA KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV .....	218-224
<i>Пардаева Марҳабо Давлатовна</i>	
АЛИШЕР НАВОЙЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ ФОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ .....	225-233
<i>Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich</i>	
NIKOH MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI .....	234-240
<i>Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna</i>	
DINIY MANBALARDA GO'ZALLIK TO'G'RISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR .....	241-246
<i>Юсупова Феруза Зойировна</i>	
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАҶНАВИЙ ЮҚСАЛИШИННИГ МЕЗОНИ .....	247-251
<i>Teshaboev Muhiddin Marifovich</i>	
IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI .....	252-257

## **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

<i>Soatova Nodira Isomitdinovna</i>	
LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIY IFODASI .....	258-265
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i>	
FRAZEOLOGIK BIRLIKLER LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA .....	266-269
<i>Yusupova Omina Muhammadzoir kizi</i>	
DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE .....	270-276
<i>Бозорова Хулкар Одинақуловна</i>	
РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ .....	277-282
<i>Matyakubov Oybek Quralbayevich</i>	
KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI .....	283-288
<i>Фатуллаева Камола Рахматуллаевна</i>	
ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ .....	289-293
<i>Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna</i>	
O'ZBEK TILIDA KAUZATIV FE'LLARNING YASALISH USULLARI .....	294-299
<i>Xamzayev Otaxon Erkinovich</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG'ISHTIRMA TAHLILI .....	300-305

## **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Абдурахманова Нодирахон</i>	
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ .....	306-310
<i>Сафоева Садокат Мусоевна</i>	
ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА .....	311-320
<i>Абдуллаева Маликабону Эркин қизи</i>	
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ .....	321-330

## **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Zoirova Lola Xamidovna</i>	
TIBBIYOT OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA “INSON ORGANIZMINING RADIATSİYAGA SEZGİRLİĞİ” MAVZUSINI O'QTİSHDA RAQAMLI TEKNOLOGİYALARDAN	

FOYDALANISH .....	331-336
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloyevich</i>	
KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA) .....	337-343
<i>Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li</i>	
YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH .....	344-349
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i>	
ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS .....	350-355
<i>Джумаева Хулкархан Мухаммаджоновна</i>	
ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ..	356-361
<i>Islomova Madina Asqarovna</i>	
INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH .....	362-368
<i>Raxmatova Mexrinoz Majitovna</i>	
YOSHLAR MA'NAVIY SALOHIYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	369-373
<i>Абдукаюмова Наргиза Райимовна</i>	
ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ .....	374-384
<i>Norboyev Farxod Chorshanbiyevich</i>	
KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR .....	385-390
<i>Borasheva Aybolgan</i>	
EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING .....	391-398
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i>	
KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHА SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQIY TAHLILI .....	399-409
<i>Boboraximov Sanjar Malikjanovich</i>	
MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR .....	410-414
<i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i>	
XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI .....	415-421

<i>Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi</i>	
METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS .....	422-427
<i>Xamroyev Samijon Salimovich</i>	
SPORT TO'GARAKLARI ORQALI TALABALARING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI .....	428-433
<i>Kattaeva Feruza Shakirovna</i>	
DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD .....	434-441
<i>G'ofurov Azizbek Umarjonovich</i>	
BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O'QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH .....	442-447
<i>Abduraximova Umida Shuxratovna</i>	
BO'LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	448-454
<i>Obidova Gulmira Kuzibaevna</i>	
INGLIZ TILINI O'RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA'LIM YO'NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR .....	455-460
<i>Axmadaliyeva Xosiyatposhsho Abduxayotovna</i>	
PROFESSIONAL TA'LIM YO'NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O'QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH .....	461-469

*08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари*

**Кулибоев Азамат Шоназарович**  
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори  
International School of Finance Technology and Science  
e-mail: [buxgalter\\_82@mail.ru](mailto:buxgalter_82@mail.ru)

## **ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИННИГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг мақсади ва вазифалари ёритилади. Шунингдек, давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам баён қилинади. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишдаги услубий жиҳатлар атрофлича илмий жиҳатдан муҳокама қилинади.

**Таянч сўзлар:** бухгалтерия ҳисоби, бюджет ижроси, давлат бюджети, давлат тиббиёт ташкилоти, даромад ва харажат, молия, услубиёт, ҳисобот, ҳисобот даври.

---

**Kuliboev Azamat Shonazarovich**  
Doctor of Philosophy in Economics  
International school of financial technology and science

## **METHODOLOGICAL FUNDAMENTALS OF ACCOUNTING IN STATE MEDICAL ORGANIZATIONS**

**Abstract.** The article describes the purpose and tasks of accounting in state medical organizations. Also, the specific features of accounting in state medical organizations are described. Methodological aspects of accounting in state medical organizations are discussed scientifically.

**Key words:** accounting, budget execution, state budget, state medical organization, income and expenditure, finance, methodology, report, reporting period.

---

**Кулибоев Азамат Шоназарович**  
доктор философии по экономических наук  
International school of finance technology and science

## **МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА В ГОСУДАРСТВЕННЫХ МЕДИЦИНСКИХ ОРГАНИЗАЦИЯХ**

**Аннотация.** В статье описаны цель и задачи бухгалтерского учета в государственных медицинских организациях. Также описаны особенности ведения бухгалтерского учета в государственных медицинских организациях. Подробно с научной точки зрения рассмотрены методологические аспекты бухгалтерского учета в государственных медицинских организациях.

**Ключевые слова:** бухгалтерский учет, исполнение бюджета, государственный бюджет, государственная медицинская организация, доходы и расходы, финансы, методология, отчет, отчетный период.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N23>

**Кириш.** Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада юксалтириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга қаратилган бир қатор норматив хужжатларнинг қабул қилиниши бунга яққол мисолдир.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси соғлиқни сақлаш соҳаси тараққиётини янги босқичга кўтарди, десак муболаға бўлмайди. Бунда, соҳани ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш назарда тутилган. Шунингдек, 2017 — 2019 йиллар мобайнида ўнлаб марказлар, хусусан, онкология, нейрохирургия, травматология ва ортопедия, аллергология, нефрология ва буйрак трансплантацияси, неврология, наркология, болалар хиургияси йўналишларида республика ихтисослаштирилган илмий – амалий тиббиёт марказлари ташкил қилинди. Республика аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатаётган тиббиёт марказларни сони 20 тага етказилди ва уларнинг худудларда тегишли филиаллари фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Натижада бугунги кунга келиб Ўзбекистонда ўртacha умр кўриш давомийлиги 73,8 ёшни: эркаклар учун – 71,4 ёш, аёллар учун эса, – 76,2 ёшни ташкил этмоқда. Бутун дунёда эса, умр кўриш давомийлигининг ўртacha кўрсаткичи аёлларда 74 ёшни, эркакларда 69 ёшни ташкил қилиб турган бир вақтда юртимизда соҳага қаратилган алоҳида эътибор натижасида аҳолимизнинг ўртacha умр кўриш ёши йил сайин ортиб бормоқда [1].

Президентимиз ўз нутқида “Туб ислоҳотларимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб биз халқимиз соғлигини мустаҳкамлашга энг устувор вазифа, деб қараб келмоқдамиз. Ўтган беш йилда бу борада катта ишларни амалга оширдик, илгор хорижий ютуқларни ўрганиб, етарли тажриба тўпладик. Келгуси беш йилда ҳам аҳолимизни сифатли ва малакали тиббий хизмат билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг энг муҳим йўналиши сифатида белгилаб олдик” – дея таъкидлаб ўтган [4].

Соғлиқни сақлаш тизимида маблағларнинг адолатли режалаштирилиши ва мақсадли сарфланиши, молиявий – хўжалик фаолиятини самарали бошқариш, мавжуд моддий ресурс ва техникалардан ўринли фойдаланишни таъминлаш, соҳага оид кўрсаткичларни шакллантиришда ишончли ахборотларни шакллантириш ҳамда умумлаштириб бориш зарурияти мавжуд. Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг услубий жиҳатларини тадқиқ этиш ва уни амалиётга жорий этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг ўзига хос хусусиятлари бюджет ҳисоби қоидаларини ҳисобга олган ҳолда тизимли таҳлил, анализ, синтез, таққослаш ва бошқа шу каби бир қанча тадқиқот усусларидан фойдаланилган.

**Адабиётлар шарҳи.** Тадқиқот мавзуси доирасида мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлари ўрганилди.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари А.Остонокулов, Н.Шанасирова ва Ш.Қурбоновлар томонидан давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ҳамда уларни ривожлантириш истиқболлари тадқиқ қилинган. Жумладан, А.Остонокулов томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишида бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг назарий – услугубий асослари тадқиқ этилган. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича молиявий ҳисоботларни тузишнинг услугубий муаммолари кўрсатилиб, уларнинг ечими сифатида илмий асосланган таклифлар берилган [6].

Н.Шанасирова соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш борасида тадқиқот олиб борган бўлиб, соғлиқни сақлаш муассасаларида ички аудит ҳамда молиявий назорат хизматларини алоҳида ташкил этиш ҳамда ички аудит хизмати бюджет маблағлари билан биргаликда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳам аудит хулосасини бериш кераклигини илмий жиҳатдан асослаб берган [10].

Ш.Қурбонов томонидан давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ички аудитини такомиллаштириш масалалари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Унда давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришнинг зарурлиги ва аҳамияти, тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ички аудитни амалга оширишнинг назарий ҳамда ҳукуқий асослари баён қилинган [12].

Хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Федотовнинг илмий тадқиқот ишлари давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини сақлаш харажатларини бухгалтерия ҳисоби ва назорати масалаларига бағишланган. Тадқиқот ишида бухгалтерия ҳисоби методологиясининг асослари, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини сақлаш харажатларини назорат қилиш ва унинг ретроспектив таҳлили кўрсатилган [8].

Е.Федченко давлат муассасаларини бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили ва назорати методологияси бўйича илмий тадқиқот ишида давлат муассасаларининг бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш тизимини ислоҳ қилишга комплекс ёндашган ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги устидан назоратни ташкил этиш моделини ишлаб чиққан [9].

А.Ушаковнинг илмий тадқиқотлари шаҳар соғлиқни сақлаш муассасаларида маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини бухгалтерия ҳисоби ва аудитига бағишланган. Тадқиқотчи томонидан соғлиқни сақлаш тизимидағи муассасаларнинг даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш самарадорлигини текшириш бўйича асосланган илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган [7].

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш услубиётига доир мамлакатимизда илмий – тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Бизнинг фикримизча давлат бюджетидан молиялаштириладиган тиббиёт ташкилотларида фаолият йўналишини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобини

ташкил қилиш ташкилот раҳбарияти томонидан ишончли маълумотлар асосида бошқарув қарорларини қабул қилинишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабдан ҳам, давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг услугий жиҳатларини амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ такомиллаштириб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Таҳлил ва натижалар.** Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш ва уларнинг моддий — техник базасини янгилаш мақсадида давлат бюджетидан ушбу соҳага 2017 — 2021 йилларда маблағ ажратиш қўпаймоқда. Буни қўйидаги 1 – жадвал маълумотларида кўришимиз мумкин.

### 1 – жадвал

#### Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар тўғрисида маълумот (млрд. сўм)<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Давлат бюджети харажатлари	49 107,4	62 170	107 118,4	131 104,5	165 879	214 799,6
Соғлиқни сақлаш	7 304,9	9 562	12 078	14 842,6	19 648	22 827,6
Давлат бюджети харажатлари таркибидаги улуши, %	14,9	15,4	11,3	11,3	11,8	10,6

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлар сўнгги олти йил давомида давлат бюджети харажатлари таркибидаги соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағларнинг улуши 2017 йилда 14,9 фоиз бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 10,6 фоизни кўрсатади. Бу ерда давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган маблағлар улуши фоиз кўрсаткичларида камайган бўлсада, лекин, давлат бюджети харажатларининг Ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улушининг қўпайиши ҳисобига 2022 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига давлат бюджетидан ажратилган маблағ ҳажми 2017 йилга нисбатан 22 827,6 млрд. сўмга қўпайган. Бу соҳага ажратилган маблағнинг 212,49 фоизга ўсганлигидан далолат беради. Шунингдек, давлат бюджети харажатлари ҳам, 2022 йилда 2017 йилга нисбатан 165 692,2 млрд. сўмга ёки 337,41 фоизга ошган.

Буни биз сўнгги олти йил мобайнида тиббиёт муассасалари сони ва улардаги штат бирликлари сонининг ошиши билан изоҳлашимиз мумкин. 2017 — 2022 йиллардаги тиббиёт ташкилотлари бўйича кўрсаткичларни ўрганганимизда, ҳақиқатан ҳам, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлат сиёсатининг устувор вазифалари ижроси таъминланаётганлигига амин бўлдик (2 – жадвал).

### 2 – жадвал

#### 2017 – 2022 йиллардаги тиббиёт ташкилотлари кўрсаткичлари<sup>2</sup>

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йилнинг 2017 йилга нисбатан ўзгариши,
--------------	----------	----------	----------	----------	----------	----------	--


<sup>1</sup>Фуқаролар учун бюджет 2018-2023 йиллардаги маълумотлар асосида муаллиф муаллиф ҳисоб-китоблари

<sup>2</sup>Фуқаролар учун бюджет 2018-2023 йиллардаги маълумотлар асосида муаллиф муаллиф ҳисоб-китоблари

							(+,-)
Тиббиёт муассасалари сони	3655	3 647	3 655	3 655	3 704	3 928	273
Штат бирликлари, киши	430229	453405	468314	468314	488530	483294	53065
Шу жумладан, врачлар, киши	95180	102552	105899	105899	110613	114300	19120

Мамлакатимизда фаолият юритаётган давлат бюджетдан молиялаштириладиган тиббиёт ташкилотлари сони 2022 йилда 2017 йилга нисбатан 273 тага, яъни 7,5 фоизга кўпайганини 2 – жадвал маълумотлари таҳлилидан кўришимиз мумкин. Шунга мутаносиб равишда тиббиёт ташкилотларида штат бирликлари сони ҳам 53 065 кишига, яъни 12,3 фоизга ошганлиги ҳам ахолига кўрсатиладиган тиббий хизмат турларининг кўпайганлигидан далолат беради. Бу жадвалдаги врачлар сонининг 2022 йилда 2017 йилга қараганда 19 120 кишига кўпайганлигини вилоят ва туманлардаги марказий шифохоналар, ахолига тиббий хизмат кўрсатиш поликлиникаларда янги мутахассислик штатлари бўйича врачларнинг ишга қабул қилиниши билан изоҳлаш мумкин.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан яна шуни кўришимиз мумкинки, 2023 йилнинг бошига фаолият юритаётган тиббиёт ташкилотлари сони 3 928 тани ташкил этади. Ушбу тиббиёт ташкилотларининг фаолияти қуйидаги турларига бўлинади (1-расм).



### 1-расм. Тиббиёт ташкилотларининг турлари<sup>1</sup>

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, тиббий фаолиятни ташкил этувчи хизматлар 250 тани ташкил қиласди. Тиббий фаолиятни ташкил этувчи тиббий хизмат турлари бўйича ҳар бир давлат даволаш муассасаси ўзининг ихтисослашган фаолият тури бўйича ахолига амбулатор ва стационар шароитда хизмат кўрсатади.

Янги Ўзбекистонни 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясидаги еттита устувор йўналишларидан тўртинчиси “Адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” деб номланади.

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан Фуқаролар учун бюджет 2018-2023 маълумотлари асосида тузилган

Бу йўналишда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва такомиллаштириш бўйича қуидагиларни бажариш мақсад қилинган:

- кўрсатилаётган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадида республика ҳудудларида тиббиёт кластерларини ташкил этиш;
- аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий қилиш;
- тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;
- дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ҳамда аҳолига арzon ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш;
- бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ажратиладиган маблағларни ошириш;
- репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;
- тиббий хизматлардаги хусусий секторнинг улушкини 25 фоизга етказиш;
- мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори — дармон ва тиббиёт воситаларининг улушкини 80 фоизга етказиш;
- санитария — эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги халқаро мақомга эга лабораторияларини ташкил этиш;
- ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни “бир қадам” тамойили асосида ташкил этиш;
- малакали шифокорларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич 1 000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини 2023 “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида аҳолига бирламчи тиббий хизматларни яқинлаштириш ва фуқароларни сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш, шунингдек, bemorlarغا қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

- 30 та оиласиий поликлиника, 110 та оиласиий шифокор пункти ва 520 тагача ихчам маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш;
- 18 — 40 ёшли 12,6 миллион нафар аҳолини профилактик кўриқдан ўтказиш, 40 ёш ва ундан катта ёшдаги сурункали касаллиги бўлмаган 6,3 миллион нафар аҳолини юрак қон-томир касалликлари ва қандли диабет, 3 миллион нафар аҳолини онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича скрининг текширувларидан ўтказиш;
- спинал мушак атрофияси билан касалланган 112 нафар болани дори воситалари билан таъминлаш;
- 250 нафардан ортиқ заиф эшитувчи болада кохлеар имплантация операцияларини ўтказиш, шунингдек, бундай операциялар ўтказилган 132 нафар болада нутқ процессорларини алмаштириш чораларини кўриш масаласи қўйилган [3].

Юқоридаги мақсадларни эришиш учун давлат тиббиёт ташкилотларида сифатли ва тезкор тиббий хизматлар маблағларининг мақсадли сарфланиши, улар юзасидан

ҳисобдорлик ва назоратни таъминлаш учун бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш, молиявий ҳисботларни тузиш ва тақдим қилиш ҳамда узлуксиз назоратни амалга ошириш талаб этилади.

Шунингдек, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, замонавий технологиялар ва техникаларнинг қўлланишили баробарида давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари вужудга келади. Бу эса, бухгалтерия ҳисобининг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этиш заруриятини вужудга келтиради.

Ҳозирги вақтда давлат бюджетининг жами ҳаражатларига нисбатан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблағларнинг умумий улуши 10,6 фоизни ташкил қилиб, бу маблағлар сарфи ҳудудлар жойлашган давлат тиббиёт муассасаларини молиялаштирилиши ҳисобига амалга оширилади. Бу маблағларнинг мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш ҳамда улар бўйича тегишли ахборотларни шакллантирилиши муассасаларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Шунингдек, ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатларга асосан муассаса раҳбари амалга оширади. Тиббиёт ташкилоти раҳбари муассасада бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағларини самарали ва мақсадли сарфланиши, шунингдек, муассаса балансидаги мол – мулклари ва мажбуриятлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилишларида бюджет ижроси ҳисобининг маълумотларига асосланадилар.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш деганда, ташкилотнинг молиявий фаолияти тўғрисида ишончли ва ўз вақтида ахборотлар олиш, тиббий хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган жиҳозлар ва улардан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш мақсадида ҳисоб жараёнининг шарт – шароитлар тизими ва улар элементларининг тузилиши тушунилади.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тизимининг асосий элементлари дастлабки ҳисоб ва ҳужжатлар айланиши, инвентаризация, ҳисоб – китоб ишларининг ташкилий шакллари, ҳисботларнинг ҳажми ва мазмуни ҳамда ҳисоб сиёсатидан иборат бўлиши керак.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг молия – хўжалик фаолиятини бошқаришда бухгалтерия хизматининг олдига қўйидаги талаблар қўйилади:

- ташкилот фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни шакллантириш;
- ташкилотнинг фаолиятини назорат қилиш ва бошқариш учун ички ҳамда ташки тойдаланувчиларни зарур ахборотлар билан таъминлаш;
- молия – хўжалик фаолиятидаги нохуш ҳолатларнинг ўз вақтида олдини олиш, ички имкониятларни аниқлаш ва сафарбар этиш;
- ташкилот фаолиятининг молиявий натижаларини ҳисобда тўғри акс эттириш;
- ташкилот ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашни назорат қилиш;
- молиявий ҳисботни тузиш учун зарур маълумотларни олиш ва ўз вақтида тақдим этиш [5].

Шу ўринда, ҳар бир давлат тиббиёт ташкилотида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг мақсади ва унинг олдига бажариши керак бўлган бир қатор вазифалар қўйилади.

Тиббиёт ташкилотларининг сметалари ижроси юзасидан ишончли, тўлиқ молиявий ҳамда бошқа ахборотлар билан фойдаланувчиларни таъминлаш давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг мақсади саналади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг аҳамиятини бажарадиган қўйидаги вазифаларига қараб белгилаш мумкин:

- бухгалтерия счёtlарида активлар ва мажбуриятларнинг ҳолати ҳамда ҳаракати тўғрисидаги тўлиқ ва ишончли ахборотларни шакллантириш;
- ташкилот маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш;
- сметалар ижроси натижаларини шакллантириш;
- ташкилотни ички ва ташқи бухгалтерия ахборотларидан фойдаланувчилари томонидан талаб қилинадиган молиявий ҳисботларини тайёрлаш;
- ташкилотнинг иқтисодий фаолиятининг салбий натижаларини олдини олиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ички иқтисодий захираларини аниқлаш;
- молиявий ҳисботнинг ички ва ташқи фойдаланувчиларига амалдаги қонунчиликка риоя этилиши устидан ички ва ташқи молиявий назоратни амалга ошириш учун керак бўлган бухгалтерия маълумотларини тақдим этиш;
- бюджет ижросига оид бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ва ҳисботларни тузиш;
- давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Белгиланган вазифаларни ҳал этиш жараёнида ташкилот ҳисоб сиёсатида белгиланган талабларга риоя қилиш зарур. Ҳисоб сиёсатида ҳисоб обьектларини тан олиш, баҳолаш ва бухгалтерия ҳисобида услубий жиҳатдан тўғри акс эттириш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунда, яъни давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб обьектларини тан олиш, баҳолаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда амалдаги норматив – меъёрий ҳужжатлар, бюджет ҳисоби стандартлари ва тасдиқланган ҳисоб сиёсати меъёrlарига амал қилиш керак.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби уларнинг фаолият йўналиши ёки ихтисослашуви билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эга.

Ушбу хусусиятлар ўз ичига қўйидагиларни олади:

- бюджет таснифи асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этилиши ва ҳисботларни шакллантирилиши;
- даромадлар ва харажатлар сметаларининг ижроси назорат қилиниши;
- бюджет ижросини ғазначилик тизимига ўтиши;
- касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини юритилиши;
- давлат тиббиёт ташкилотларининг фаолият йўналишлари ва ихтисослашуви бўйича бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари [11].

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда, ҳисобнинг мақсади ва бажарадиган вазифаларини тўғри, аниқ қўйиш керак. Шундагина,

тиббиёт ташкилотида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилади ва фаолият самарадорлиги таъминланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Соғлиқни сақлаш тизимидағи тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ҳисоб вазифаларини, хусусан тасдиқланган сметаларни тўғри ижросини таъминлаш, бюджет интизомига қатъий риоя қилиш, бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш, муассасанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг ички иқтисодий захираларини аниқлашни тақазо қиласди.

Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, бошқариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда бухгалтерия ҳисоби муҳим аҳамиятга эга. Давлат тиббиёт ташкилотларида барча ҳисоб обьектлари пул ўчлов бирлигидаги ҳисоби юритилиб, молиявий ҳисоботларда акс эттирилади. Бу бухгалтерия ҳисоби обьектлари тўғрисида тўлиқ маълумот олиш имконини беради, лекин тиббиёт ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш ва тасарруф этишда маълумотларнинг тўлиқ бўлиши таъминламайди.

Юқоридаги таҳлил қилиб, ўрганилган маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш, тиббиёт ташкилотларининг фаолият тури ва ихтисослашувига қараб бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиш нечоғлиқ муҳим эканлигини кўришимиз мумкин. Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббий хизматлар кўрсатадиган турларига кўра, ҳисобни қонунчиликда белгиланган тартибда юритиш, ички назоратга амал қилиш, молиявий ҳисоботларни ўз вақтида шакллантириш мақсадида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш зарур.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини услубий жиҳатдан тўғри ташкил этиш учун ҳисобнинг олдига қўйилган қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

- ҳисобот давридаги хўжалик муомалаларини ҳисобда тўлиқ акс эттириб бориш. Бунда тиббиёт ташкилотларида содир бўладиган кунлик, ойлик ва чораклик хўжалик муомалаларини ўз вақтида бухгалтерия ҳисобида қайта ишлаб, уларга бухгалтерия ўтказмалари бериш керак;

- ташкилотнинг даромад ва харажатларини ҳисобот даврига тўғри олиб бориш, яъни бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфланиши, бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича даромадларни ҳар чоракда молиявий ҳисобот шаклларини акс эттириб бориш мақсадга мувофиқ;

- синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларининг тенглигини таъминлаш, бундан кўзланган мақсад аналитик счётдаги маълумотларнинг йифиндиси синтетик счётниги тенг бўлишидир. Шунда ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ва ишончлилиги таъминланади;

- бино, иншоотларни жорий таъмирлаш ва капитал қўйилмалар бўйича қилинган харажатларни алоҳида ҳисобга олиш. Тиббиёт ташкилотларида бино ва иншоотларни таъмирлаш, реконструкция қилиш учун сметага катта суммадаги маблағ режалаштириб қўйилади. Шунинг учун бу маблағларнинг сарфланиши бўйича ташкилот бухгалтериясида алоҳида ҳужжатлар папкаси очилиб, улар бош

бухгалтернинг сейфида сақланиши керак. Чунки, бу маблағларнинг сарфланиши назорат органлари томонидан тўлиқ текширилади.

Якуний хulosса сифатида шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши, ҳисбот маълумотларининг аниқ ва ишончли бўлиши ҳисоб ишларининг услугий жиҳатдан тўғри ташкил этилишига боғлиқ.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ—4947—сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ—60—сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги «2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ—27—сон Фармони.
4. Мирзиёев Ш.М. “Кучли ва самарали тиббиёт тизимини шакллантириш –халқпарвар давлатнинг энг асосий вазифаси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 18.03.2022 йил. <http://www.xs.uz>.
5. Kuliboev A. Accounting of income of drugs in state medical institutions //Academic research in modern science. – 2022. –Т. 1. – №. 13. – С. 19-24.
6. Остонокулов А.А. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ҳисботи методологиясини такомиллаштириш Дис. автореф. иқт.фан.д-ри (DSc). –Т. 2021. –72 б.
7. Ушаков А.А. Бухгалтерский учет и аудит эффективности использования средств в муниципальных учреждениях здравоохранения. Автореферат дисс. к.э.н. Ростовский государственный экономический университет. Ростов-на-Дону, 2012. -24 с.
8. Федотов А.В. Бухгалтерский учета и контроль расходов по содержанию государственных учреждений здравоохранения Краснодарского Края. Автореферат дисс. к.э.н. Кубанский государственный аграрный университет. Краснодар, 2006. - 24 с.
9. Федченко Е.А. Методология анализа и контроля эффективности использования бюджетных средств государственными (муниципальными) учреждениями. Автореферат дисс. д.э.н. Российский государственный экономический университет имени Г.В.Плеханова. Москва, 2017. -48 с.
10. Шанасирова Н.А. Соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. – Т. 2022. – 56 б.
11. Shonazarovich K. A. REGULATORY AND LEGAL REGULATION OF ACCOUNTING IN BUDGETARY INSTITUTIONS //EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS). – 2023. – Т. 10. – №. 6. – С. 82-86.
12. Курбонов Ш.М. Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ички аудитни такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. – Т. 2022. –58 б.
13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари.
14. Фуқаролар учун бюджет 2018-2023 маълумотлари.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 8 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти**

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).